

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг  
«Maxsus avtokorxona» давлат муассасаси томонидан автотранспорт  
хизматини қўрсатиш тўғрисида**

**№ 3-сон ШАРТНОМА**

**2022 й. «10» август**

**Тошкент ш.**

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Maxsus avtokorxona» давлат муассасаси номидан Уставга асосан иш кўрувчи директор *Олим Бердиеевич Ташанов* (кейинчалик - Автокорхона деб юритилади) бир томондан ва «Sport»teleradiokanalı» давлат муассасаси номидан Уставга асосан иш кўрувчи директор *Захид Баҳримуратович Каримов* (кейинчалик - «Буюртмачи деб юритилади) иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартноманинг предмети ва шартлари**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Автокорхона Буюртмачига буюртмаси асосида автотранспорт хизматлари (кейинчалик - Хизматлар) қўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Хизматларнинг турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни қўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.2. Автокорхона Буюртмачининг буюртмаси асосида Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида ва бошқа вилоятларда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун автотранспорт хизматларини қўрсатишни таъминлайди.

1.3. Автокорхона автотранспорт хизмати қўрсатиш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда, унинг ойлик, чорак ва йиллик иш режаларидан келиб чиқиб Буюртмачининг буюртмаси асосида олдиндан автотранспорт воситалари сонини режалаштиради.

Автокорхона режадан ташқари оператив автотранспорт хизмати қўрсатиши мумкин, бунда у Буюртмачи билан келишган ҳолда, унинг буюртмасига асосан автотранспорт воситаларини оператив равища ажратади.

1.4. Автокорхона Буюртмачига хизмат қўрсатувчи автотранспорт воситаларини техник соз, тоза ва етарли ёқилги маҳсулоти билан таъминланган ҳолатда беради.

1.5. Тошкент вилоятига ва бошқа вилоятларга хизмат сафарига чиқадиган автомобиллар Буюртмачи учун хизмат қўрсатишга режалаштирилган автомобиллар таркибидан ажратилади.

Автокорхона томонидан ажратилган автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб Буюртмачи билан, келишилган ҳолда бошқа автотранспорт билан алмаштирилиши мумкин.

1.6. Буюртмачи томонидан Автокорхона билан бевосита ишлайдиган масъул ходим ажратилади.

Буюртмачининг масъул ходими хар куни соат 16.00 гача кейинги кун учун ўрнатилган тартибда ёзма равища автотранспорт воситаларини ажратиш тўғрисида Автокорхонага тегишли буюртма беради. Буюртмачи Автокорхонадан буюртмачи манзилига боришдаги 30 минут хамда қайтишдаги 30 минутлик йўл учун хақ тўлайди.

Хизмат сафари 10 кунгача бўлган муддатга доир буюртмалар камида 3 кун, 10 кундан ортиқ муддатга бўлган буюртмалар камида 7 кун олдин (дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олмаган ҳолда) берилади, оператив топшириқлар асосида бериладиган буюртмалар бундан мустасно.

Хизмат сафарида бўлган кунларида хайдовчиларнинг иш вақти 12 соатлик иш кунига тенглаштирилади.

Бир кунлик хизмат сафарлари хақиқий ишланган вақт асосида расмийлаштирилади.

Дам олиш (шанба, якшанба) ва байрам кунларига буюртмалар Буюртмачи томонидан 2 кун олдин берилади.

1.7. Буюртмачининг масъул ходими хар куни:

кўрсатилган хизматлар учун автотранспорт воситаларининг ўрнатилагн тартибда расмийлаштиради;

расмийлаштирилган (имзоланган ва маҳсус штамп босилган) йўл варақаларини Автокорхонага тақдим этади.

1.8. Ишлаб чиқариш зарурияти билан Буюртмачи автотранспорт воситасининг «йул варақаси»даги иш соатини узайтириши мумкин.

Бунда Буюртмачининг масъул ходими телефон орқали Автокорхонанинг эксплуатация бўлимини огохлантиради ва тегишли равишда рухсат олади.

1.9 Буюртмачи буюртма асосида олинган автотранспорт воситаси йул варақасининг «Буюртмачи талони» қисмига унинг хизмат курсатишга келган хамда хизмат кўрсатиш тугагандан сўнг автотранспорт воситасини Автокорхонага қайтган вақтларини спидометр кўрсаткичидаги маълумотларни ёзма белгилайди.

Буюртмачини масъул ходими автотранспорт воситаси йул варақасининг «Буюртмачи талони» қисмини тўлдиришда автотранспорт воситасидан бевосита фойдаланган шахсни фамилияси, исми, лавозимини кўрсатган ҳолда ўрнатилган тартибда расмийлаштиради.

1.10. Буюртмачининг буюртмасига асосан юк ташиш учун олинган автотранспорт воситаларига юк ортиш, тушириш, юкларни кузатиш, юкка тегишли бўлган барча хужжатларни расмийлаштириш ишлари Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

Автокорхонадан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатларга мувофиқ автотранспорт билан таъминлашни талаб қилиш;

Автокорхонадан мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган автотранспорт хизматини тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини ўрнатилган тартибда Автокорхонадан талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Буюртмачи буюртма асосида чиқсан автотранспорт воситаларининг йўл варақаларини ўз вақтида расмийлаштириш;

Ўз буюртмаси бўйича кўрсатилган автотранспорт хизматларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

автотранспорт хизматларига мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнода хақ тўлаш.

Буюртмачининг молиялаштирилиши бирор сабабларга кўра кечиктирилган холлари бундан мустасно.

2.3. Автокорхона куйидаги хуқуқларга эга:

Кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун олдиндан хақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилиш;

берилган буюртмага мувофиқ кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини Буюртмачидан талаб қилиш.

#### 2.4. Автокорхона қўйидагиларга мажбур:

Буюртмачига автотранспорт хизматларини юборган буютмалари асосида транспорт воситалари билан таъминлаш ва сифатли хизмат кўрсатиш;

агар автотранспорт хизматларини кўрсатиш жараёнида Автокорхона шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ўзаро келишилган ҳолда ҳал килиш.

### III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси транспорт харажатлари учун ажратилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган сметага мувофиқ, яъни 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача бўлган даврга **190 589 000 (Бир юз туксон миллион беш юз саксон туккиз минг)** сўмни.ҚҚС билан ташкил қиласди.

Жумладан:

а) Бюджетдан **88 889 000 (Саксон саккиз миллион саккиз юз саксон туккиз минг)** сўмни.ҚҚС билан ташкил қиласди.

б) Бюджетдан ташқари **101 700 000 (Бир юз бир миллион етти юз минг)** сўмни.ҚҚС билан ташкил қиласди.

Автотранспорт хизмати Буюртмачининг берадиган буюртмасига ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланган транспорт хизмати тарифларидан келиб чиқиб белгиланади.

Автокорхона томонидан кўрсатиладиган автотранспорт хизматларининг таърифи мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Жорий ой учун тўлов ушбу ойнинг 10-санасигача ойлик тўлов қийматининг 30% (фоизи) миқдоридаги аванс сифатида Автокорхонанинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Колган ҳар ойлик тўловнинг 70% (фоизи) келгуси ойнинг 10-санасигача тегишлилиги бўйича имзоланадиган ҳисоб варақаси бўйича Автокорхонанинг ҳисобига ўтказилади.

Ушбу бандда кўрсатилган маблағлар тегишлилиги бўйича молиялаштириш очилгандан сўнг Буюртмачи томонидан Автокорхонанинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 Тасдиқланган тарифларга нисбатан ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари нархи ошган тақдирда, Буюртмачи Автокорхона томонидан тақдим этилган асословчи хужжатлар асосида ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари нархидаги фарқни тўлаб беради. (Бунда, *Буюртмачига Автокорхона томонидан ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг ҳақиқий сарфи тўғрисида маълумот ҳамда ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб берувчиси билан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура нусҳаси тақдим этилиши зарур).*

3.4 Буюртмачининг буюртмасига асосан Автокорхона томонидан ажратилган Газель (ГАЗ 330214) автомашинаси базасида жихозланган KIPOR (KD30SS3) дизель генератори ҳамда КАМАЗ ПСС автокўтаргич учун буюртмачи фойдаланилган хар бир мото соат учун тасдиқланган тариф асосида алоҳида хақ тўлайди.

### IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. Кўрсатилган автотранспорт хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун хақ тўлаш бўйича Буюртмачи мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. Буюртмачи муддатлар бузилган холда кўрсатилган автотранспорт хизматларини қабул қилишни рад этишга хаклиди.

4.5. Буюртмачи илгари берилган автотранспорт хизматлари кўрсатиш учун берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд автотранспорт хизматларининг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга хақлиди, бу хақда Автокорхонани буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

4.6. Шартномада назарда тутилган автотранспорт хизматларини кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки Буюртмачининг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда ушбу шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Автотранспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни Автокорхона томонидан бажарилишини рад этганилиги учун Буюртмачига кўрсатилиши керак бўлган автотранспорт бир кунлик хизматларининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Автотранспорт хизматларини кўрсатиш кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Автокорхона Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган автотранспорт хизматларини қийматини 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши Автокорхонани мазкур шартномани зарур тарзда бажаришдан озод этмайди.

5.3. Автокорхона томонидан кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун ўз вақтида хақ тўланмагандан Буюртмачи Автокорхонага муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

5.5. Буюртмачи телерадиомахсулотлар тайёрлаш ёки бошка ишлаб чикариш обьектига чиккан автотранспорт воситаси бўйича буюртмани бекор килса, айнан шу буюртма бўйича келишилган автотранспорт хизмати тўловининг 10 % миқдоридаги тўлов билан бирга автотранспорт обьектга бориб келишига кетган вактни ва ёкилги махсулотлари харажатларини хисобга олган тўловни Автокорхонага қоплаб беради.

Хукумат томонидан бекор килинган тадбирлар асосидаги буюртмалар бундан истиносно.

Автокорхона автотранспортни Буюртмачининг буюртмасига асосан белгиланган вактга телерадиомахсулотлар тайёрлаш ёки бошка ишлаб чикариш обьектига тақдим этмаган холларда айнан шу буюртма бўйича келишилган автотранспорт хизмати тўловининг 10 % миқдорида Буюртмачига тўлов тўлайди.

Томонларни бевосита ихтиёридан келиб чиқмаган холлар бундан мустасно.

Агар кўрсатилган автотранспорт хизматларини сифати стандарт, техник шартлар талабларига ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда,

Автокорхона сифати зарур даражада бўлмай кўрсатилган автотранспорт хизматлари кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлади.

## VI. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси иштироқида уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ўзаро хал этилишига эришмаганда уларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

## VII. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил 1 январдан бошлаб амалга киради ва 2022 йил 31 мартача бўлган муддатга кадар амал килади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

### Буюргачи

«Sport» teleradiokanalı»  
давлат муассасаси

“SPORT” TELERADIOKANALI” DM  
100011 Toshkent sh., Navoiy-69 ko’chasi  
Tel 214-18-58, 214-18-70, 214-1252  
STIR: 206 018 630 OKED: 60200  
O’zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G’uznachiligi  
X/r: 2340 2000 3001 0000 1010  
O’zbekiston Respublikasi XKKM Markaziy Bank BB  
STIR: 201 122 919 MFO: 00014  
Sh/x: 100 010 860 262 777 084 200 137 001



Директор

З.Б.Каримов

### Автокорхона

ЎзМТРК «Maxsus avtokorxona»  
давлат муассасаси

Учтепа тумани, Ю.Саккокий к.,17.  
ОАТ «Алоқабанк» Амалиёт  
бошқармаси,  
Х/р 2021000300119058001  
МФО 00401  
ИНН 201203373, ОКЭД 49410




Директор

О.Б.Ташанов

**YURIDIK  
XULOSA**

Бош юрисдонисулат  
Намвасеъею таъсиз

**"КЕЛИШИЛДИ"**  
**"Maxsus avtokorxona"**  
 ДМ директори  
**О.Ташанов**   
 " " 2022 йил



**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**  
**"Sport" телерадиоканали"**  
 ДМ директори  
**З.Каримов**   
 " " 2022 йил



**"Sport" телерадиоканали" ДМ нинг 2022 йил 1 -чорак учун "Maxsus avtokorxona" ДМ автотранспорт воситаларидан фойдаланиш режаси**

№	Автотранспорт воситаларининг русуми	Тариф (КҚС билан)	Январь	Февраль	Март	1-чорак	1-чорак жами КҚС билан
			соат	соат	соат	соат	сўм
1	Нексия-3	58 405	341,0	341,0	341,0	1023,0	59 748 315,0
2	Дамас	55 490	735,0	735,0	735,0	2205,0	122 355 450,0
3	Lada LARGUS	59 868	22,0	22,0	22,0	66,0	3 951 297,8
4	Magnus	42 032	23,0	23,0	23,6	69,6	2 925 427,2
5	Хундай	53 617	10,0	10,0	10,0	30,0	1 608 510,0
<b>Жами</b>							<b>190 589 000,0</b>

Иқтисод бўлими бошлиғи

 Ф.Мардиев